
Данғара туманида “Обод ва файзли маҳалла — юрт кўрки” шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилмоқда.

Данғара туманида “Обод ва файзли маҳалла — юрт кўрки” шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари уюшқоқлик билан байрамона кайфиятда ўтказилмоқда.

“Наврўз” умумхалқ байрамини муносиб қарши олиш учун ташкил этилган мазкур умумхалқ хайрия ҳашар доирасида Данғара тумандаги маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли уйлар, бинолар, зиёратгоҳ ва қабристонларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Махсус техникалар ёрдамида янги оқова сув ариқлари кўвланиб, барча чиқиндилар олиб чиқиб кетилмоқда. Дарахт шохларига ишлов берилиб, янги мевали дарахт кўчатлари экилмоқда.

Зеро, қутлуғ Рамазон айёми арафасида бошланган умумхалқ хайрия ҳашари халқимиз меҳроқибати, бирдамлиги, аҳиллигининг яна бир амалий ифодасидир.

2024-03-16 16:35:34